
Қўқон шаҳрида “Фарғона водий гавҳари. Инвестиция ва туризм истиқболлари” форуми доирасида хорижий делегация вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ушбу форум доирасида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қувайт Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Аҳмад Мансур Халаф Фаҳад ал-Илажни қабул қилди. Унда ҳудудлараро манфаатли ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда Ўзбекистон-Қувайт муносабатлари янги босқичга чиққанлиги, кўплаб соҳаларда лойиҳалар амалга оширилаётганлиги қайд этилиб, вилоятимизда қувайтлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш таъкидланди. Хусусан, қурилиш, нефть ва газ саноати йўналишларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашилди. Меҳмонларга Қўқон ва Марғилон шаҳарларида қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида маълум қилиниб, ўз лойиҳаларини амалга ошириш таклиф қилинди. Ҳамкорликда янги йўналишлардаги лойиҳалар бўйича иш ташкил қилишга келишилди. Маълумот ўрнида, Қўқон шаҳрида Ўзбекистон-Қувайт бизнес-форуми ўтказилаётган бўлиб, Қувайтнинг етакчи ишбилармон доиралари вакилларидадан иборат делегация иштирок этмоқда.

2024-10-18 16:15:09